



ХАЛАҚ СҮЗИ

2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТИНӢ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҶТІСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ●

2025 йил 8 январь, № 4 (8899)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер килинг.



ВАТАНИИ УЛУГЛАШ САОДАТИ



Сарҳисоб



Кейинги йилларда янги Ўзбекистонда спорт сиёсат даражасига кўтарилиди. Ўтган йилларда Президентимизниң спортта доир 10 дан ортиқ Фармон ва қарорлари, Вазирлар Махкамасининг 100 га яқин мөърий-хуқуқий хужжатлари қабул қилинди. Ўзбек футболига ҳар қаонгидан эътибор юкори бўлди. Айниска, болалар футболи анча ривожланди.

2024 йили илк бора футбол бўйича олимпия терма жамоамиз Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб

ўтган XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қилди. Олимпия ўйинларида 206 та мамлакат орасида иштирок этган атлетларимиз 19 та спорт тури бўйича 90 нафар спортич билан қатнашиди. Мусобакан Ўзбекистон спорт делегацияси 5 та спорт туридан 8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза билан умумжамоа ҳисобида 13-ўринда якунлади. Битта Олимпиадада саккизта олтин медални кўлга киритган юртимиз

спорт жамоаси Осиё китъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда МДХга аъзо давлатлар ўртасида 1-ўринни эгаллади.

Олимпиадада ўзбек футболчиларини қардош ҳалқар ҳам кузатиб борди. Ҳар бир футболчига астойдил ишқибоziл киглан мухлисларнинг ҳаяжонли ҳиссиятларини айтмайсизми?

►4



Олий Мажлис Сенатида

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ КАФОЛАТЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-хуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши кўмитаси мажлисида бир қатор қонунлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парлamenti ҳамда қўмита хузуридаги экспертилар гурухи азолари, қонун ташаббускорлари, мутасадди вазирлик ва идоралар хамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хуҗжатларига шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қартилган ўзгартирishi ва қўшимчалар кириши тўғрисида” ги қонун муҳокама этилди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда амалга оширилётган ислоҳотлар натижасида суд-тергов амалиётида инсоннинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга қартилган илгор ва самарали механизмлар йўлга кўйилмоқда. Мазкур қонун билан хиноят содир

Олий Мажлис Конунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР КОРПУСИННИГ ТАШАББУСКОРЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИ – УСТУВОР МАҚСАД

Олий Мажлис Конунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унга раислик кильвчи куйи палата Спикери ўрнинбосари Раҳим Ҳакимов мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим жаҳаёнларга тўхталиб ўтди. Президентимизнинг янги йил байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига ўйлалаган табригида ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати, сиёсий, ижтимоий фаолиги алоҳида ётироф этилганини таъкидлади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари иштирокида шу йил 3 январь куни бўлиб ўтган мажлиса мамлакатимизнинг давлат бюджетига оид масала кўриб чиқилгани, депутатлар бюджет ижросини назорат қилишга алоҳида эътибор қартиши қараклиги қайд этилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг ўтган йил 18 — 20 ноябр кунлари бўлиб ўтган мажлислирадиги нутқларида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Конунчилик палатасининг Ҳаракатлар дастури тасдиклангани, куйи палата by ilgil faoliyatiда Президентимиз ташаббусларини биринчи галдаги вазифалари сифатида белгилаб, уларни оғишмай амалга ошириши лозимлиги айтиб ўтилди. Айни чорда бу депутатлар корпусидан катта масъулият билан ишлаш,

саиловчилар манфаатларини таъминлаш борасида янада ташаббускор бўлиш талаб этилиши зомлигига эътибор қартилди.

Мажлисида кун тартибида ўрин олган ўнга яқин, жумладан, ер участкаларидан фойдаланиш тартибини янада токомиллаштириш, суд ҳужжатлар ва бошча органлар ҳужжатларини ихро этиши тизимишини мукаммаллаштириш, электрон сигареталар мумолосасини тақиқлаш, қишлоқ ҳўялиги таваккалчиликларини сууритиши қилишга қартилган қонун лойихалари атрофлича кўриб чиқилди.

►2

ҚУЁШГА ЮЗ ТУТИБ, ШАМОЛНИ ИЗМИГА СОЛГАН ЮРТ

Муқобил энергия



Мамлакатимизнинг иқтисодий ўсиш ва демография динамикаси электр энергияси бўлган талабининг йилига 6-7 фоиз ортишига олиб келмоқда. Бу борада углеводородли энергия ресурслари ўрнини муқобил манбалар билан коплаш муммонинг ягона ечимиридан. Зотан, юртимиз осмонида кўёш тўрт фаслда чараклаб, бепоён кенгилкларимизда шамол безавол эсаркан, бундан сармали фойдаланиши ўйла қўйиш ҳаёт-мамот масаласи, десак, муболага бўймайди.

Дастлабки хисоб-китобларга кўра мамлакатимизда электр энергияси бўлган эҳтиёжининг 90 фоиздан ошикраганини кўш, шамол ва қичик гидроэлектр кунглиларни ёрдамида қаноатлантириш имконияти мавжуд. Шу боис “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг 51-максадида “яшил” иқтисодига ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланниш кўрсаткичларини кескин ошириша оид вазифалар белгилаб берилган. 2030 йилга бориб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаваттга, жами истеъмолдаги улушини эса 54 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Аслида қайта тикланадиган энергияни жадал ривожларни таъминлаш, энергия ишлаб чиқарни манбаларини диверсификациялаш, шунингдек, электр энергия тармомига тўғридан-тўғри хорижий ин-

вестицияларни жалб этишга анча илгарироқ киришилган. Давлатимиз раҳбари ўз фоалиятининг дастлабки кунларидаёт муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш кўлумини генкайтириш вазифаларини устувор белгилаб, 2018 йилнинг 15 — 17 май кунлари АҚШга ташрифи доирасидан Жаҳон банки гурухига кириувчи Халқаро молиявий корпорация билан келишувларга эришиган эди. Шу асосда Навоий вилоятида куввати 100 мВтга биринчи кўёш фотолектр стансияси бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. Шундан бўён турли худудларда умумий киймати 1,9 ГВтга тенг 9 та кўёш электр стансияси ишга туширилиб, тармокка электр энергияси изашли ўйла кўйилди.

Якнада Президентимиз томонидан киймати 7,2 млрд. АҚШ долларилик, куввати 4,4 ГВт бўлган 24 та лойиха, жами

дан 3,7 млрд. долларлик 18 та янги кувват ишга туширилиб, навбатдаги 6 та лойиха курилишига старт берилди. Ушбу янги лойихалар туфайли яқин истиқболда кўшимча 9,5 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаришга эришилиб, 2,5 млрд. кубометр табии газ тежалади, 4,6 млн. тонна зарарли газлар чиқишининг одди олиниди. Бошқача айтганда, мамлакатимиздаги хонадонлардан кариб кирк фоизининг тоза электр энергияси билан баркарор таъминланисига эришиш орқали иқтисодиётнинг турли тармоқларида кариб 4 млрд. долларлик кўшилган киймат яратиш имконига эга бўлмас. Яхни мамлакатимизда жорий йилда жами 84 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу — 2016 йилдагига нисбатан 25 млрд. киловатт-соат ёки 1,5 баробар кўп демак.



Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН – ИМКОНИЯТЛАР ЎЛКАСИ

Мамлакатимизда Президентимиз бошлилигида олиб борилётган изчилистоҳлар натижасида бугун Коракалпогистонда ҳам ижтимоий-иқтисоди ҳолат тубдан ўзгармокда. Республика пойтаҳи — Нукус шаҳридан бошлаб, туманлар марказлари, шаҳар ва қишлоқлар, ҳатто чекка овулларга ҳар томонлама ўзгариб, ривожланиш бораётганини бўнинг яққош тасдиғи. Замонавий корхоналар, таълим, тибиёт, маданият ва спорт объектлари унинг хуснага хусн, кўргига кўрк кўшимоқда.

Бугунги кунда янги Қоқалпогистондан бунёд этиши йўлида юксак максад ва вазифал белгилаб олинган, фоят улкан режалар тузилган. Бу вазифалар Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган республикини ижтимоий-иқтисодий ривожланиш худути дастурларида янада аниклаштирилган.

Орол муаммосининг оқилюна ечими

Давлатимиз раҳбари ўз лавозимига киришган кундан бошлаб Қоқалпогистонга алоҳида ётибор қаратди. Қоқалпогистонда оғир вазият юзага келганинг энг биринчи сабаби Орол муаммоси эканлигини таъкидлаб, уни ҳал этишининг янги стратегиясини таклиф килди. Шавкат Мирзиёев Орол фохиасини бартараф этиучи муммонинг факат оқибати, яъни таъсиригана ечим топмай, унинг сабаби билан курашиш ўйлини кўрсатди. Оролнинг куриб қолган майдонини ўсимликлар билан қоплаб, тули, заҳарли тўзонни тұхтиб, унинг ўрнига яшил қопламаларни яратиш зарурлигини илмий асослаб берди. Бу ташаббус дунё ҳаммамияти томонидан қизғин кўллаб-куватланди.

Сунгти этии йилда Орол денигизининг куриган тубида 1,9 млн. гектарда ўрмонзорлар барпо этилди. Экотизимиини яшилаш, шўрланган, сувзис мухитда янги нав ва уруғларни яратиш учун Оролбўйи ҳалқаро инновация марказига асос солинди. Президентимиз ташаббуси билан Орол муммосига қарши курашда бутун дунё давлатларининг ҳамхижатлигини таъминлайдиган БМТ шағисигидаги Оролбўй мінтақаси учун инсон хавфисиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонднинг тузилишига эришилди. Ҳалқинга йўқолиб бораётган умидлари тикланди, келажакка ишончи кучайди.

Шундай кипиб Президентимиз ҳалқимиз тарихида янги саҳифа очди. Ҳозир унга ой сайин, йил сайин Қоқалпогистонда амалга оширилётган буюк бунёдкорлик ишлари ўзимоқда. Қоқалпко диеўрини мамлакатимизнинг намунали ўлкасига айлантириша қаратилган саъ-харакатлар давом этмода.

Тадбиркорликни кўллаб-куватлаш – муваффақият гарови

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳузурда 2024 йил 23 декабрь куни Қоқалпогистон Республикасида кўшимча имкониятларни ишга солиш, инвестицияни кўпайтириш ва ахоли бандленини ошириш бўйича 2025 йилдаги устувор вазифал юзасидан ўтказилган йиғилишда янга истиқболдаги режалар белгилаб олинди. Унда таъкидлангандике, 2024 йил Қоқалпогистон учун баракали кеди. Янги саноат корхоналари, туризм масканлари, энергеттика кувватлари, IT-парк ишга туширилди. Қоқалпогистон Хоразм билан боягайдиган 423 метри янги автомобили ва темир йўл кўпрги очилди. Бу оркали юк ва йўловчи ташиб масофаси 180 километрга кискарди. 323 млн. доллар хисобига янгитдан курилган Кўнғирот — Бейнов автомобили йўлининг 240 километрлик кисми фойдаланишга топширилди. Шунинг ўзи транзит ва бошқа хизматлар ҳажми йилига 200 млн. долларга ошишига замин яратади. Якнада 196 километрлик Мискин — Нукус темир йўлини электрларшириш ишлари ҳам бошланади.

►3

